

**О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI  
VAZIRLAR MAHKAMASINING  
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

« 10 » **ОКТАБРЬ** 2018 у.

№ 816

Toshkent sh.

**Олий таълим муассасаларини ўқув адабиётлари  
билан таъминлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида” 2018 йил 5 июндаги ПҚ–3775-сон қарорида белгиланган вазифаларни бажариш, олий таълим муассасаларини илғор жаҳон тажрибалари асосида яратиладиган янги авлод дарслик, ўқув қўлланмалари ҳамда даврий нашрлар билан тизимли таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

**1. Қуйидагилар:**

олий таълим муассасаларида фойдаланиш учун хорижий ўқув ва илмий адабиётлар рўйхатини шакллантириш, уларни харид қилиш ва фойдаланиш тартиби тўғрисида низом 1-иловага мувофиқ;

хорижий ўқув ва илмий адабиётларни таржима ва таҳрир қилиш ҳамда экспертизадан ўтказишни амалга оширадиган мутахассис ва профессор-ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида низом 2-иловага мувофиқ;

олий таълим муассасаларини ўқув адабиётлари билан таъминлаш ҳамда дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини янгилаб бориш тартиби тўғрисида низом 3-иловага мувофиқ;

олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими учун ўқув адабиётларини яратишга қўйилган талаблар 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**2. Белгилаб қўйилсинки:**

олий таълим тизимини ўқув адабиётлари билан таъминлаш мавжуд бўлган зарур ўқув адабиётларини харид қилиш, янгиларини яратиш ва белгиланган тартибда нашр қилиш (фойдаланилаётган адабиётларни қайта нашр қилиш) ҳамда олий таълим муассасаларининг ахборот-ресурс марказларига жойлаштириш йўли билан амалга оширилади;

ўқув адабиётларини харид қилиш ҳамда яратиш ва нашр қилиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш аниқ ҳисоб-китобларга асосан ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ушбу мақсадлар учун назарда тутилладиган Давлат бюджети маблағлари доирасида амалга оширилади;

ўқув адабиётларини харид қилиш, яратиш ва нашр қилиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар, олий таълим муассасалари ҳамда ҳомийлар маблағлари ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

**3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига:**

ушбу қарорга мувофиқ тегишли буйруқ ва бошқа ички ҳужжатларни белгиланган тартибда тасдиқлаш;

олий таълим муассасалари учун ўқув адабиётларини марказлашган ҳолда нашр қилиш жараёнининг белгиланган тартибда амалга оширилишини тизимли таъминлаш вазифаси юклансин.

**4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идораларга:**

олий таълим муассасалари ўз ихтисослигига мувофиқ етакчи хорижий ва маҳаллий даврий нашрларни (журналларни) харид қилиши ва уларга обуна бўлиши жараёнини тизимли мувофиқлаштириш;

олий таълим муассасалари ушбу қарорга тўлиқ амал қилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш ва бу борада талабчанликни ошириш вазифаси юклансин.

**5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдухакимов ҳамда олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У. Маджидов зиммасига юклансин.**

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил “10” октябрдаги 816 -сон қарорига  
1-илова

**Олий таълим муассасаларида фойдаланиш учун  
хорижий ўқув ва илмий адабиётлар рўйхатини шакллантириш,  
уларни харид қилиш ва фойдаланиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом олий таълим муассасаларида фойдаланиш учун хорижий ўқув ва илмий адабиётлар рўйхатини шакллантириш, уларни харид қилиш ва фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Олий таълим муассасаларида фойдаланиш учун хорижий ўқув ва илмий адабиётлар рўйхатини шакллантириш ва уларни харид қилиш тартиби ушбу Низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

**2-боб. Хорижий ўқув ва илмий адабиётлар рўйхатини шакллантириш,  
уларни харид қилиш ва фойдаланиш тартиби**

3. Олий таълим муассасаларида фойдаланиш учун хорижий ўқув ва илмий адабиётлар рўйхатини шакллантириш вазифаси таянч олий таълим муассасалари томонидан тегишли бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ўқув режаларига киритилган фанлар бўйича куйидаги тартибда босқичма-босқич амалга оширилади:

таянч олий таълим муассасасида хорижий ўқув ва илмий адабиётлар рўйхатини шакллантириш бўйича ректор бошчилигида комиссия ташкил этилади. Комиссия таркибига ўқув ва илмий ишлар бўйича проректорлар, тегишли факультет деканлари, кафедра мудирлари, ахборот-ресурс маркази раҳбари, олий таълим муассасасининг маҳаллий ва хорижий ҳамкор ташкилотларининг вакиллари ҳамда турдош олий таълим муассасалари мутахассислари киритилади;

комиссия томонидан муайян таълим йўналиши ёки мутахассислик ўқув режасига киритилган фанлар бўйича ўн кун муддатда профессор-ўқитувчилар таркибидан мутахассислар гуруҳлари белгиланади;

бир ой муддатда мутахассислар гуруҳлари мавжуд имкониятлардан фойдаланган ҳолда тегишли ўқув фанига оид замонавий, илғор назарий ва амалий билим, услубиёт, маълумот, илмий ва технологик янгиликларни ўз ичига олган хорижий ўқув ва илмий адабиётларни излаб топади ва аниқлайди;

фанлар бўйича мутахассислар гуруҳлари аниқлаган хорижий ўқув ва илмий адабиётлар ўн беш кун муддатда комиссия томонидан жамланади, умумий рўйхатга киритилади ва белгиланган талабларга жавоб бериши таҳлил қилинади, зарур ҳолларда умумий рўйхатга ўзгартиришлар киритилади ва ректор томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (кейинги ўринларда Вазирлик деб аталади) ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар

таълимини ривожлантириш марказига (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) белгиланган тартибда тақдим этилади;

Марказ таянч олий таълим муассасалари томонидан киритилган хорижий ўқув ва илмий адабиётлар рўйхатларини икки ой муддатда умумлаштиради, умумлаштирилган рўйхатда билим ва таълим соҳалари, бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг фанлари бўйича такрорланадиган хорижий адабиётларни аниқлайди, такрорланишларни тегишли олий таълим муассасалари билан келишилган ҳолда бартараф қилади, бир хил фанлар бўйича олий таълим муассасалари томонидан рўйхатга киритилган хорижий ўқув ва илмий адабиётларни тегишли олий таълим муассасалари билан келишилган ҳолда оптималлаштиради ва якуний умумлаштирилган рўйхатни ҳамда таянч олий таълим муассасаларидан Марказга тақдим этилган рўйхатларни белгиланган тартибда Вазирликка тақдим этади;

Вазирлик, Марказ томонидан тақдим этилган хорижий ўқув ва илмий адабиётларнинг умумлаштирилган рўйхатини икки ой муддатда тасдиқлаш учун белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади.

4. Таянч олий таълим муассасаларида хорижий ўқув ва илмий адабиётларнинг умумий рўйхатини шакллантиришда унга фақат чет элдан марказлашган ҳолда харид қилиш зарур бўлган ўқув ва илмий адабиётлар киритилишини, интернет ва бошқа йўллар орқали олий таълим муассасаси томонидан харид қилинадиган, чет элдан яқка тартибда олиб келинадиган, ҳомий ва ҳамкор ташкилотлар томонидан тақдим этиладиган хорижий ўқув ва илмий адабиётлар умумий рўйхатга киритилмаслигини таянч олий таълим муассасасининг комиссияси назорат қилади ва бунга масъул ҳисобланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан рўйхати тасдиқланган хорижий ўқув ва илмий адабиётлар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда харид қилинади.

6. Хорижий ўқув ва илмий адабиётларни харид қилиш жараёнида улар тижорат мақсадларида ишлатилмаслиги, улардан фақат бакалаврият ва магистратуранинг ўқув жараёнида фойдаланилиши, шунинг учун уларнинг электрон нусхаларини яратиш, уларни ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларга қисман ёки тўлиқ таржима қилиш, электрон нусхада кўпайтириш, улар асосида миллий ўқув адабиётларини яратиш ва нашр қилиш тадбирлари тўловсиз амалга оширилиши хорижий ўқув ва илмий адабиётларни харид қилиш шартномаси шартларида алоҳида белгиланишига эътибор қаратилади.

7. Марказлашган тартибда харид қилиниб олиб келинган хорижий ўқув ва илмий адабиётлар белгиланган тартибда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасига жойлаштирилади.

8. Марказлашган тартибда харид қилинган хорижий ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш учун олий таълим муассасалари Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасига мурожаат қиладилар.

9. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасига марказлашган тартибда келтирилган хорижий ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш бепул амалга оширилади.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси хорижий ўқув ва илмий адабиётларни харид қилиш шартномаси шартларидан келиб чиқиб, улардан фойдаланиш (таржима қилиш, электрон нусхаларини кўчириш, кўпайтириш, хорижий ўқув ва илмий адабиётлар асосида миллий ўқув адабиётларни яратиш) тартибини белгилайди.

10. Олий таълим муассасасининг раҳбарияти, профессор-ўқитувчилари, мутахассислари Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан белгиланган меъёрлар ва берилган кўрсатмаларга тўлиқ амал қилган ҳолда хорижий ўқув ва илмий адабиётлардан белгиланган тартибда фойдаланади.

### **3-боб. Яқунловчи қоида**

11. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Олий таълим муассасаларида  
фойдаланиш учун хорижий ўқув  
ва илмий адабиётлар рўйхатини  
шакллантириш, уларни харид қилиш  
ва фойдаланиш тартиби тўғрисидаги  
низомга илова

**Олий таълим муассасаларида фойдаланиш учун хорижий  
ўқув ва илмий адабиётлар рўйхатини шакллантириш  
ва уларни харид қилиш тартибининг  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Тадбирлар	Масъуллар
1-босқич	Таянч олий таълим муассасаларида комиссиялар ташкил қилиш	Таянч олий таълим муассасалари
2-босқич	Комиссиялар томонидан йўналишлар бўйича мутахассислар гуруҳларини белгилаш, хорижий ўқув ва илмий адабиётларни излаб топиш, рўйхатларини шакллантириш ва тасдиқлаш	Таянч олий таълим муассасалари
3-босқич	Таянч олий таълим муассасалари томонидан тасдиқланган хорижий ўқув ва илмий адабиётлар рўйхатларини Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш марказига тақдим этиш	Таянч олий таълим муассасалари
4-босқич	Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази томонидан хорижий ўқув ва илмий адабиётлар рўйхатларини таҳлил қилиш, оптималлаштириш, умумлаштириш ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига киритиш	Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази
5-босқич	Хорижий ўқув ва илмий адабиётларнинг умумлаштирилган рўйхатини тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
6-босқич	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган хорижий ўқув ва илмий адабиётларни белгиланган тартибда харид қилиш	Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган ташқи савдо ташкилоти
7-босқич	Марказлашган тартибда харид қилинган хорижий ўқув ва илмий адабиётларни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасига жойлаштириш	Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган ташқи савдо ташкилоти Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил “10” октябрдаги 816 -сон қарорига  
2-илова

**Хорижий ўқув ва илмий адабиётларни таржима ва таҳрир қилиш ҳамда  
экспертизадан ўтказишни амалга оширадиган мутахассис ва профессор-  
ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом хорижий ўқув ва илмий адабиётларни таржима ва таҳрир қилиш ҳамда экспертизадан ўтказишни амалга оширадиган мутахассис ва профессор-ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш тартибини белгилайди.

2. Олий таълим муассасаларида хориждан келтирилган ўқув ва илмий адабиётларни таржима қилиш, таҳрир қилиш ва экспертизадан ўтказишни амалга оширадиган мутахассислар ва профессор-ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлашда қуйидаги маблағлардан фойдаланиш назарда тутилади:

олий таълим муассасасининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари;  
ҳомийлик хайриялари, грантлар, жумладан халқаро грантлари;  
қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа маблағлар.

**2-боб. Хорижий ўқув ва илмий адабиётларни таржима ва таҳрир қилиш  
ҳамда экспертизадан ўтказишни амалга оширадиган мутахассис  
ва профессор-ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлашни ташкил этиш**

3. Хорижий ўқув ва илмий адабиётларни таржима ва таҳрир қилиш ҳамда экспертизадан ўтказиш мақсадида олий таълим муассасаларида ҳар бир фан бўйича профессор-ўқитувчилар таркибидан ҳамда жалб этилган мутахассислардан иборат ишчи гуруҳлар (кейинги ўринларда Ишчи гуруҳлар деб аталади) ташкил этилади.

4. Ишчи гуруҳлар таркибига киритиладиган мутахассисларга қўйиладиган талаблар ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ белгиланади.

5. Ишчи гуруҳлар аъзолари хизматига ҳақ тўлаш тарифларини меъёрлаштириш хорижий ўқув ва илмий адабиётларнинг муаллифлик босма табоғи ҳажмига мувофиқ, энг кам ойлик иш ҳақига нисбатан коэффициентларда таржима қилиш, таҳрир қилиш, экспертизадан ўтказиш жараёнлари учун алоҳида ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ белгиланади.

6. Ишчи гуруҳ томонидан бажариладиган хизматларга ҳақ тўлаш ишчи гуруҳ аъзолари билан тузиладиган фуқаролик ҳуқуқий тусдаги шартномалар асосида амалга оширилади.

### **3-боб. Яқунловчи қондалар**

7. Ишчи гуруҳ аъзолари хизматига ҳақ тўлаш масалалари бўйича низолар қонун ҳужжатлари асосида ҳал этилади.

8. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.



Хорижий ўқув ва илмий адабиётларни таржима ва таҳрир қилиш ҳамда экспертизадан ўтказишни амалга оширадиган мутахассис ва профессор-ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга 1-илова

**Хорижий ўқув ва илмий адабиётларни таржима ва таҳрир қилиш ҳамда экспертизадан ўтказишни амалга оширадиган ишчи гуруҳ аъзоларига қўйиладиган  
ТАЛАБЛАР**

№	Ишчи гуруҳ аъзоси	Маълумоти бўйича талаблар	Малакаси бўйича талаблар
1.	Таржимон	<p>Таржимон қуйидаги учта талабдан камида биттасига лойиқ бўлиши лозим:</p> <ol style="list-style-type: none"><li>1. Таржимонлик, филология йўналишлари (мутахассисликлари) бўйича олий маълумот тўғрисидаги дипломга эга чет тили ва она тилини мукаммал биладиган олий маълумотли мутахассис, бакалавр ёки магистр.</li><li>2. Мазкур йўналиш бўйича PhD, фан номзоди ёки фан доктори илмий даражасига, доцент ёхуд профессор илмий унвонига эга олим-мутахассис.</li><li>3. Таржимон ҳуқуқига эга (сертификат ёки бошқа расмий ҳужжат билан тасдиқланган) бўлган, чет тилини IELTS-6.0 ва ундан юқори даражада (шу жумладан, бошқа чет тилларидан таржима қилишда мувофиқ даража назарда тутилади)</li></ol>	<p>Таржимон таржима предметини ҳар иккала тил воситаларида осон ифода қила оладиган, тил хусусиятларини биладиган ва уни таржимада тўлақонли амалга ошира оладиган бўлиши ҳамда қуйидаги малака талабларидан камида биттасига лойиқ бўлиши лозим:</p> <ol style="list-style-type: none"><li>1. Профессional таржимон ёки professional хорижий тил филологи малака талабларига жавоб берадиган мутахассис.</li><li>2. Чет тилини ўзлаштиришнинг Умевуропа халқаро стандарти бўйича камида B2+ ёки C1 даражасида биладиган юқори малакали, оғзаки ва ёзма таржима йўналишида тажрибага эга бўлган мутахассис.</li><li>3. Республикада ёки хорижий мамлакатларда илмий, илмий-оммабоп, илмий-техник (соҳалар бўйича) матнларни таржима қилиш тажрибасига эга, таржималари расмий матбуотда, илмий ва оммабоп нашрларда чоп этилган ва тан олинган мутахассис.</li></ol>

№	Ишчи гуруҳ аъзоси	Маълумоти бўйича талаблар	Малакаси бўйича талаблар
		биладиган (тасдиқловчи хужжат билан) мутахассис.	4. Чет эл олий таълим муассасаларининг бакалавриати ёки магистратурасини битирган ёхуд камида 2 йил давомида PhD дастури бўйича ўқиган ёки малакасини оширган мутахассис.
2.	Мухаррир	Мухаррир қуйидаги талабдан камида биттасига лойиқ бўлиши лозим: 1. Фан, таълим йўналиши ёки таълим соҳаси бўйича олий маълумотли мутахассис, бакалавр ёхуд магистр дипломига эга бўлган соҳа мутахассиси. 2. Мазкур йўналиш бўйича PhD, фан номзоди ёки фан доктори илмий даражасига, доцент ёхуд профессор илмий унвонига эга бўлган соҳа мутахассиси.	Мухаррир қуйидаги малака талабидан камида биттасига лойиқ бўлиши лозим: 1. Тегишли фан ёки турдош ўқув фанларидан камида 5 йил дарс бериб келаётган профессор ёки ўқитувчи. 2. Соҳани мукамал биладиган, илмий мақола, ўқув ва илмий адабиётларни тайёрлаб нашр қилган мутахассис.  Чет тилини биладиган фан ёки йўналиш мутахассисларига афзаллик берилади.
3.	Эксперт	Соҳага оид таълим муассасаси, илмий муассаса ва бошқа ташкилотларда фаолият юритаётган олий маълумотли мутахассис (раҳбар).	Соҳани мукамал биладиган, соҳага оид республика ва жаҳондаги тенденциялардан хабардор бўлган мутахассис.  Чет тилини биладиган фан ёки йўналиш мутахассисларига афзаллик берилади.

Хорижий ўқув ва илмий адабиётларни таржима ва таҳрир қилиш ҳамда экспертизадан ўтказишни амалга оширадиган мутахассис ва профессор-ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга 2-илова

**Хорижий ўқув ва илмий адабиётларни таржима ва таҳрир қилиш ҳамда экспертизадан ўтказишни амалга оширадиган ишчи гуруҳ аъзолари меҳнатига ҳақ тўлаш ТАРИФЛАРИ**

№	Иш номи	Ўлчам бирлиги	Энг кам ойлик иш ҳақига нисбатан коэффициент бўйича бир муаллифлик табоғи учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг минимал ставкаси
1.	Таржима қилиш	Муаллифлик табоғи	*
2.	Таҳрир қилиш	Муаллифлик табоғи	1,2
3.	Экспертизадан ўтказиш	Муаллифлик табоғи	1,2

**Изоҳлар.**

1. Муаллифлик табоғи – 40 000 босма белгиларга, график материални (расмлар, диаграммалар, жадваллар, мусиқа ноталари ва ҳоказолар) нашр этишда 3000 кв. сантиметрга тенг бўлган нашр этиладиган асар ҳажмини ўлчаш бирлиги. Ҳарфлар, тиниш белгилари, рақамлар ва бошқалар ҳамда сўзлар ўртасидаги ҳар бир оралик босма белгилар ҳисобланади.

2. Ишчи гуруҳ аъзолари меҳнатига ҳақ тўлаш иш тугаллангандан сўнг, нашрга тавсия этилган ҳажмдан келиб чиққан ҳолда белгиланган тарифларга мос равишда амалга оширилади.

\*) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маданият ва санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантириш бўйича кўшимча шароитлар яратишга доир чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 14 августдаги ПҚ–3201-сон қарори билан тасдиқланган ставкалар асосида ҳақ тўлаш амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил “10” октябрдаги 816-сон қарорига  
3-илова

## **Олий таълим муассасаларини ўқув адабиётлари билан таъминлаш ҳамда дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини янгилаб бориш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

### **1-боб. Умумий қондалар**

1. Ушбу Низом олий таълим муассасаларини ўқув адабиётлари билан таъминлаш ҳамда дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини янгилаб бориш тартибини белгилайди.

2. Олий таълимнинг ўқув адабиётлари дарслик, ўқув қўлланма, услубий қўлланма, услубий кўрсатма, услубий тавсиянома, маълумотлар тўплами (банки), маърузалар курси, маърузалар тўплами, машқлар (масалалар) тўплами, луғат, дайджест каби турларидан иборатдир.

3. Олий таълим муассасалари учун ўқув адабиётларини яратиш тартиби ушбу Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

### **2-боб. Ўқув адабиётларини яратиш тартиби**

4. Бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ўқув режаларига киритилган фанлар бўйича яратилиши зарур бўлган ўқув адабиётлари рўйхатини шакллантириш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

олий таълим муассасалари давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларига мувофиқ яратилиши зарур бўлган ўқув адабиётларининг рўйхатини шакллантиради ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (кейинги ўринларда Вазирлик деб аталади) ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш марказига (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) киритади;

Марказ олий таълим муассасалари томонидан киритилган ўқув адабиётлари рўйхатларини ўқув режа ва фан дастурларига мослиги нуктаи назаридан ўрганиб чиқади, билим ва таълим соҳалари, бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг фанлари бўйича такрорланадиган адабиётларни аниқлайди, такрорланишларни тегишли олий таълим муассасалари билан келишилган ҳолда бартараф қилади, бир хил фанлар бўйича олий таълим муассасалари томонидан рўйхатга киритилган турли ўқув адабиётларини тегишли олий таълим муассасалари билан келишилган ҳолда оптималлаштиради ва мақбул ҳолатга келтирилган ўқув адабиётларининг рўйхатларини тегишли олий таълим муассасаларига ўз тавсиялари билан юборади;

ўқув адабиётлари рўйхатларини шакллантирган олий таълим муассасаларининг ректорлари Марказ томонидан таҳлил қилинган тегишли ўқув адабиётлари рўйхатларини Вазирлик томонидан белгиланадиган ягона шаклдаги

жадвал кўринишида ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва Марказга белгиланган тартибда тақдим этади.

5. Ўқув адабиётларини яратиш учун олий таълим муассасаларида соҳанинг етакчи мутахассислари, профессор-ўқитувчилари ва олимлар таркибидан муаллиф (муаллифлар жамоаси) тайинланади. Муаллифлар таркибига турдош олий таълим муассасаларининг етакчи профессор-ўқитувчилари ҳамда хорижий олим ва мутахассислар ҳам киритилиши мумкин.

6. Зарур ҳолларда, ўқув адабиётларини яратиш учун муаллифлар танлов асосида белгиланиши мумкин. Танловда олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, ишлаб чиқариш, фан, таълим ва тегишли бошқа соҳаларнинг юқори малакали мутахассислари, шунингдек хорижий мамлакатлар мутахассислари ҳам иштирок этиши мумкин.

7. Ўқув адабиётлари давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режа, фан дастурлари ҳамда ўқув адабиётларига қўйиладиган талабларга мос ҳолда тайёрланишига тегишли таянч олий таълим муассасаси масъулдир.

8. Ўқув адабиётлари матбаа ва ноширлик меъёрларига амал қилган ҳолда тайёрланади.

9. Ўқув адабиётлари қўлёзмаларини тайёрлаш ва уларни нашр қилиш куйидаги тартибда амалга оширилади:

таянч олий таълим муассасаларида муаллиф (муаллифлар жамоаси) томонидан ўқув адабиётининг қўлёзмаси тайёрланади;

тайёрланган қўлёзмага фаннинг етук мутахассислари, таълим йўналиши бўйича турдош олий таълим муассасалари, тегишли соҳа ташкилотларининг тақризлари олинади;

таянч олий таълим муассасасининг кенгашида ўқув адабиёти қўлёзмаси атрофлича муҳокама қилинади ва нашр қилишга тавсия этиш тўғрисида олий таълим муассасаси кенгашининг баёни расмийлаштирилади;

экспертизадан ўтказиш мақсадида ўқув адабиётининг қўлёзмаси тегишли таянч олий таълим муассасаси томонидан Марказга киритилади;

Марказ таянч олий таълим муассасалари томонидан киритилган ўқув адабиётлари қўлёзмаларини таълим соҳалари ва йўналишларига мувофиқ жамлаб, Вазирлик ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашма ва комиссияларга (кейинги ўринларда ўқув-услубий бирлашма ва комиссиялар деб аталади) тақдим этади;

ўқув-услубий бирлашма ва комиссиялар ўқув адабиётлари қўлёзмаларини давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурлари ҳамда ўқув адабиётларига қўйилган талабларга мослиги, талабаларга мукамал замонавий билим, кўникма ва малакаларни беришга хизмат қилиши юзасидан экспертизадан ўтказишга, ҳар бири бўйича асосланган хулоса ҳамда унинг ўзбек, рус, қорақалпоқ тилидаги адади ва нашр этиш манбалари (марказлашган бюджет маблағлари, олий таълим муассасаларининг маблағлари ва бошқалар) юзасидан тавсия беради;

ўқув-услубий бирлашма ва комиссияларнинг ўқув адабиётлари қўлёзмалари юзасидан берган хулосаси Вазирлик ҳузуридаги Олий ва ўрта

махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш (кейинги ўринларда Мувофиқлаштирувчи кенгаш деб аталади) мажлисида муҳокама қилинади;

муҳокама натижасида ижобий деб топилган ўқув адабиётларнинг қўлёзмалари Мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлиси баёни билан нашр этишга тавсия қилинади, салбий баҳоланган ўқув адабиётлари қўлёзмалари қайта ишлаш учун тегишли таянч олий таълим муассасаларига юборилади;

Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан нашр этишга тавсия этилган ўқув адабиётлар қўлёзмаларининг рўйхати уларни тайёрлаган олий таълим муассасаси, муаллифлар фамилияси ва исми, ўқув адабиётининг тури, унинг ҳажми, адади ва молиялаштириш манбаси кўрсатилган ҳолда Вазирликка тақдим этилади;

Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан тавсия этилган ўқув адабиётларни Вазирлик буйруғи билан нашр этишга рухсат берилади;

нашр этишга рухсат берилган ўқув адабиётлари белгиланган тартибда нашр қилинади ва эҳтиёжга мувофиқ тегишли олий таълим муассасалари ахборот-ресурс марказларига жойлаштирилади.

10. Чоп этилган ўқув адабиётларидан талабалар фойдаланиши учун муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган қоидаларга амал қилган ҳолда олий таълим муассасаларининг ахборот-ресурс марказларига ўқув адабиётларининг босма ҳамда электрон нусхалари жойлаштирилади.

12. Ўқув-услубий бирлашма ва комиссиялар томонидан ўқув адабиётлари қўлёзмаларини экспертизадан ўтказиш, муҳокама қилиш ва хулоса ишлаб чиқиш тартиби Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан белгиланади.

13. Олий таълим муассасаларида тайёрланган ўқув адабиётлари қўлёзмаларини Марказга киритиш, ушбу қўлёзмаларни ўқув-услубий бирлашма ва комиссияларга тақдим этиш тартиби Вазирлик томонидан белгиланади.

14. Олий таълим муассасалари томонидан, заруратга кўра, кўзи ожиз талабалар учун ахборот-ресурс марказларига жойлаштирилган ўқув адабиётлари асосида муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган қоидаларга амал қилган ҳолда тегишли ўқув адабиётларининг тинглаб ўрганадиган аудио-дарсликлари яратилади ва ахборот-ресурс марказида сақланади.

### **3-боб. Олий таълим муассасаларини ўқув адабиётлари билан таъминлаш меъёри ва уларни янгилаб бориш даврийлиги**

15. Ўқув адабиётларининг матбаа усулида нашр қилинган нусхалари ҳамда муаллифлар билан белгиланган тартибда келишилган ҳолда ўқув адабиётларининг электрон нусхалари сақланадиган олий таълим муассасалари ахборот-ресурс марказлари таълим жараёнини ўқув адабиётлари билан таъминлайдиган асосий манба ҳисобланади.

16. Ўқув адабиётлари билан олий таълим муассасаларини таъминлаш меъёрлари муайян олий таълим муассасасининг ахборот-ресурс марказида мавжуд бўлган ўқув адабиётлари сони тегишли таълим йўналиши ёки

мутахассислигида таълим олаётган талабалар сони билан нисбат кўринишида белгиланади.

17. Олий таълимнинг бакалавриат босқичи учун ўтилаётган фанлар бўйича ҳар 6 нафар талабага камида 1 (бир) дона ўқув адабиёти тўғри келса, мазкур таълим йўналиши ўқув адабиётлари билан таъминланган ҳисобланади. Бунда таълим жараёнининг ўқув адабиётлари билан таъминланиши ахборот-ресурс марказида ўқув адабиётларининг электрон нусхалари мавжудлигини назарда тутди.

18. Нашр қилинаётган ўқув адабиётларининг адади бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, ўқитилаётган фанлар бўйича ҳар 6 нафар талабага камида 1 (бир) дона ҳамда ҳар 2 (икки) нафар талабага кўпи билан 1 (бир) дона ўқув адабиёти тўғри келиши миқдорлари оралиғида белгиланади.

Нашр қилинадиган ўқув адабиётларининг адади ушбу меъёрларга амал қилган ҳолда, Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан ўқув-услубий бирлашма ёки комиссиялар ҳулосаси асосида белгиланади ва Вазирликка тавсия қилинади. Вазирлик томонидан бу ҳақда тегишли қарор қабул қилинади.

19. Олий таълим муассасаларининг ахборот-ресурс марказлари фондидаги ўқув адабиётлари мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий ислохотлар, янгиланиш, фан, техника ва технологияларнинг сўнгги ютуқлари, илғор халқаро тажриба ва тараққиёт тенденциялари, янги фанлар ва таълим йўналишлари киритилиши, давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурлари такомиллаштирилиши ва ўзгартирилишига мувофиқ янгиланиб борилиши лозим.

20. Ўқув адабиётларини янгилаб бориш даврийлиги бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари фанларининг туркумлари (ўқув режа блоклари)дан келиб чиқиб ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ белгиланади ва тавсиявий характерга эга бўлади.

21. Давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурлари илк бор киритилиши ёки янгиланиши, янги фанлар киритилиши ҳамда Ҳукумат қарорлари ва кўрсатмалари асосида ўқув адабиётлари тавсия этилган даврийликдан мустасно тарзда янгиланади.

22. Янгиланиши зарур бўлган ўқув адабиётлари таянч олий таълим муассасаси томонидан чоп этилиши режалаштирилаётган рўйхатга киритилади. Бунда ўқув адабиёти янгиланишининг сабаблари, мавжуд ўқув адабиёти нечанчи йилда чоп этилгани кўрсатилади.

#### **4-боб. Яқунловчи қоида**

23. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Олий таълим муассасаларини ўқув  
адабиётлари билан таъминлаш ҳамда  
дарслик ва ўқув қўлланмаларини янгилаб  
бориш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-илова

Олий таълим муассасалари учун ўқув адабиётларни яратиш тартибининг  
СХЕМАСИ

Босқичлар	Тадбирлар	Масъуллар
1-босқич	Яратилиши зарур бўлган ўқув адабиётларнинг рўйхатини шакллантириш ва тасдиқлаш	Олий таълим муассасалари Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази
2-босқич	Ўқув адабиётларни яратиш учун муаллиф (муаллифлар жамоаси)ни тайинлаш	Олий таълим муассасалари
3-босқич	Тасдиқланган рўйхатга мувофик ўқув адабиётларининг қўлёзмасини яратиш	Олий таълим муассасалари
4-босқич	Ўқув адабиётларнинг тайёрланган қўлёзмаларига такризлар, олий таълим муассасаси кенгашининг хулосасини олиш ҳамда уларни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги ўқув-услубий бирлашма ва комиссияларда экспертизадан ўтказиш	Олий таълим муассасалари Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази
5-босқич	Ўқув адабиётларнинг қўлёзмасини мувофиқлаштирувчи кенгаш муҳокамасидан ўтказиш ва нашр қилиш бўйича хулосасини олиш	Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази
6-босқич	Мувофиқлаштирувчи кенгаш хулосаси асосида ўқув адабиётларнинг қўлёзмасини нашр қилишга рухсат этиш юзасидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг буйруғини қабул қилиш	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
7-босқич	Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг буйруғи билан нашр қилишга рухсат этилган ўқув адабиётларни белгиланган тартибда чоп этиш ва тегишли олий таълим муассасалари ахборот-ресурс марказларига жойлаштириш	Олий таълим муассасалари Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази



Олий таълим муассасаларини ўқув  
адабиётлари билан таъминлаш ҳамда  
дарслик ва ўқув қўлланмаларини янгилаб  
бориш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-илова

**Ўқув адабиётларини янгилаб бориш даврийлиги бўйича  
тавсиявий кўрсаткичлар**

<b>Ўқув блоклари бўйича адабиётлар учун (йил)</b>			
<b>Ижтимоий- гуманитар ва иқтисодий фанлар бўйича ўқув адабиётлари</b>	<b>Табиий-илмий ва математик фанлар бўйича ўқув адабиётлари</b>	<b>Умумқасбий фанлар бўйича ўқув адабиётлари</b>	<b>Махсус фанлар бўйича ўқув адабиётлари</b>
5	10	7	6

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил “10” октябрдаги 816-сон қарорига  
4-илова

**Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими  
учун ўқув адабиётларини яратишга қўйилган  
ТАЛАБЛАР**

**1-боб. Умумий қондалар**

1. Мазкур Талаблар олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими учун ўқув адабиётларини яратишга қўйилган умумий талабларни белгилайди.

2. Талабларнинг асосий мақсади олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимининг барча таълим турлари учун замонавий ўқув адабиётларининг шакли, тури, функцияси, яратиш тамойиллари ва талабларини белгилаш ҳамда ўқув адабиётларини яратиш жараёнида асосий услубий ва меъёрий восита бўлиб хизмат қилишдир.

**2-боб. Ўқув адабиётларининг шакли ва турлари**

3. Ўқув адабиётлари олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурлари асосида муайян ўқув фани бўйича зарур назарий ва амалий билимлар, ўқув материаллари, услубий ва дидактик маълумотлар илм-фан, маданият, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, жаҳон тажрибалари асосида тизимли баён этилган нашр бўлиб, асосан икки хил шаклда тайёрланади:

анъанавий (босма) ўқув адабиётлари – таълим олувчиларнинг ёши ва психофизиологик хусусиятлари, ўқув материаллари ва маълумотлар ҳажми, шрифтлар, қоғоз сифати, муқова тури ва бошқа кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда матбаа усулида тайёрланиб чоп этилган нашр;

электрон ўқув адабиётлари – замонавий ахборот технологиялари асосида маълумотларни жамлаш, тасвирлаш, янгилаш, сақлаш, билимларни интерактив усулда тақдим этиш ва назорат қилиш имкониятларига эга бўлган электрон мажмуа.

4. Ўқув адабиётларининг қуйидаги турлари мавжуд:

дарслик;

ўқув қўлланма;

услубий қўлланма;

услубий кўрсатма;

услубий тавсиянома;

маълумотлар тўплами (банки);

маърузалар курси;

маърузалар тўплами;

машқлар (масалалар) тўплами;

луғат;

дайджест.

5. Ўқув адабиётларининг турлари қуйидагича ифодаланади:

дарслик – муайян ўқув фанининг мавзулари тизимли, чуқур ва тўлиқ ёритилган, тегишли фан мазмунини белгиланган ҳажмда мукаммал ўзлаштиришга қаратилган, мазмунан ва шаклан таълим турларига (ўрта махсус, касб-хунар таълими, олий таълим (бакалаврият, магистратура)) мослаштирилган, ўқувчи ва талабаларда фанга тааллуқли билим, кўникма ва малакалар шаклланишига, ижодий қобилиятлар ривожланишига хизмат қиладиган, расмий тасдиқланадиган асосий ўқув нашридир;

ўқув қўлланма – дарсликни қисман тўлдирувчи, муайян фан дастури бўйича тузилган ва мавзуларни зарурий ҳажмда тизимли ёритиб берадиган, фан асосларининг мукаммал ўзлаштирилишини таъминловчи, мазмунан ва шаклан таълим турларига (ўрта махсус, касб-хунар таълими, олий таълим (бакалаврият, магистратура)) мослаштирилган, назарий ёки амалий машқ ва машғулотларга мўлжалланган, ўқувчи ва талабаларда фанга тааллуқли билим, кўникма ва малакалар шаклланишига хизмат қиладиган, расмий тасдиқланадиган ўқув нашридир;

услубий қўлланма – профессор-ўқитувчилар ва билим олувчилар учун мўлжалланган бўлиб, унда бир дарснинг мақсади, дарс ўтиш воситалари ва улардан фойдаланиш усуллари, дарснинг мазмуни, амалий машғулотлар, қўшимча топшириқлар ва бошқалар ҳақида тавсиялар баён қилинадиган, таълим муассасаларининг кенгаши (педагогика кенгаши) тавсияси асосида чоп этиладиган нашр;

услубий кўрсатма – муайян фаннинг ўқув дастури бўйича курс ишлари (лойиҳалари), лаборатория ва амалий ишларни, шунингдек битирувчиларнинг битирув малакавий ишлари, магистрлик диссертацияларини бажариш тартиби аниқ ва батафсил ифодаланган ҳамда ушбу фан бўйича билим олувчиларда зарур амалий кўникмалар ҳосил қилишга мўлжалланган, таълим муассасаларининг кенгаши (педагогика кенгаши) тавсияси асосида чоп этиладиган кичик ададли нашр;

услубий тавсиянома – муайян фаннинг ўқув дастури бўйича мавзуларнинг асосий мазмунини ёки айрим мураккаб мавзулар ва масалаларни ўзлаштириш, назарий ва амалий вазифалар, топшириқларни бажариш бўйича услубий ёрдам кўрсатиш ва педагогик тавсия беришга қаратилган ёрдамчи ўқув адабиёти ҳисобланадиган, таълим муассасаларининг кенгаши (педагогика кенгаши) тавсияси асосида чоп этиладиган кичик ададли нашр;

маълумотлар тўплами (банки) – фойдаланишга қулай шаклда яратилган, муайян фанни ёки таълим йўналишини ўзлаштириш учун зарур бўлган, исбот талаб қилмайдиган маълумотлар, илмий кўрсаткич ва ўлчамлар, турли белги ва рақамлардан, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ишлаб чиқариш, техника, маданий ва бошқа соҳалардаги қисқа илмий, амалий, маълумотлардан ташкил топган, таълим муассасаларининг кенгаши (педагогика кенгаши) тавсияси асосида чоп этиладиган нашр;

маърузалар курси – фаннинг ўқув дастури бўйича маърузалар курсининг номи тегишли фан номи билан аталган, ундаги барча мавзуларнинг асосий

мазмунни қисқа ёритилган, бирламчи янги билимларни олишга қаратилган, фойдаланиладиган асосий ва қўшимча ўқув адабиётлари кўрсатилган, ўзини ўзи назорат қилишга оид саволлар туркуми, мавзуга тегишли таянч атама ва иборалар келтирилган, таълим муассасаларининг кенгаши (педагогика кенгаши) тавсияси асосида чоп этиладиган нашр;

маърузалар тўплами – муайян фаннинг ўқув дастури бўйича ундаги айрим мавзуларнинг асосий мазмунни қисқа ёритилган, бирламчи янги билимларни олишга қаратилган, фойдаланиладиган асосий ва қўшимча ўқув адабиётлари кўрсатилган, ўзини ўзи назорат қилишга оид саволлар туркуми, мавзуга тегишли таянч атама ва иборалар келтирилган, илмий-тадқиқот изланишлари асосида мунтазам янгиланиб туриладиган, таълим муассасаларининг кенгаши (педагогика кенгаши) тавсияси асосида чоп этиладиган кичик ададли нашр;

машқлар (масалалар) тўплами – муайян фаннинг мавзулари бўйича амалий машқлар, масалалар, шунингдек таърифлаш, ифодалаш, шакллантириш, ҳисоблаш, ишлаб чиқиш бўйича мисоллар келтирилган, мавзуларга оид меъёрий, услубий, сонли ва таянч маълумотлар билан тўлдирилган, ўқувчи ва талабаларда амалий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган, таълим муассасаларининг кенгаши (педагогика кенгаши) тавсияси асосида чоп этиладиган нашр.

луғат – аниқ бир тартибда жойлашган сўзлар (ёки сўз бирикмаси ва ҳоказо) тўплами, уларнинг мазмунни, ишлатилиши, келиб чиқиши, бошқа тилдаги таржимаси тўғрисида маълумот берувчи ёки сўзнинг тушунчаси, у билан белгиланувчи предметлар ҳақида ахборот берувчи, таълим муассасаларининг кенгаши (педагогика кенгаши) тавсияси асосида чоп этилган нашр;

дайджест – илмий, илмий-услубий, ўқув, даврий адабиётлар, қонунлар, фармонлар, қарорлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунининг қисқача баёни ва шарҳи келтирилган, соҳаларга оид маълумотлар тўплами сифатида фойдаланиладиган нашр.

### **3-боб. Ўқув адабиётларини яратишга қўйиладиган умумий талаблар**

6. Ўқув адабиётлари ривожлантириш стратегиясининг демократик, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий йўналишларида мамлакат тараққиётининг устувор масалаларига асосланган ҳолда яратилади ва ўқувчи ёки талабанинг интеллектуал салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилади, шунингдек соҳа бўйича илғор халқаро тажрибалар, жаҳон илм-фани, услубиёт, техника ва технологияларнинг сўнгги ютуқлари, тараққиёт тенденцияларини ҳисобга олади.

7. Ўқув адабиётлари тасдиқланган давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурлари асосида тайёрланади. Ўқув адабиётларининг номи ўқув режаларидаги фанлар номи билан мос келиши мақсадга мувофиқдир.

8. Ўқув адабиётларини яратишда:

мамлакатда жорий этилган узлуксиз таълим тизимининг таълим турлари (ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим (бакалаврият, магистратура)) ўртасидаги узвийлик ва узлуксизлик таъминланади ҳамда фанлар мавзуларининг асоссиз такрорланишига йўл қўйилмайди;

фанларда мавзулар изчиллигига, оддийдан мураккабга, хусусийдан умумийликка ўтиб бориш тамойилларига амал қилинади.

9. Яратилаётган ўқув адабиётларининг мазмуни таълим олиш, мустақил ва эркин фикрлаш, олинган билимларни босқичма-босқич бойитиш, мукаммаллаштириб бориш, мустақил таълим олиш, янги билимларни ўқув адабиётларидан излаб топиш кўникмаларини ўқувчи ва талабаларда шакллантиришга йўналтирилган бўлиши таъминланади.

10. Ўқув адабиётлари тушунарли, содда ва раво тилда ёзилиши, маълумотлар ўқувчи ва талабалар томонидан имкон даражасида осон ва қийинчиликсиз қабул қилинадиган, хотирада сақланадиган тарзда берилиши ҳамда таълим олувчиларнинг билим ва кўникмаларини назорат қилиш имкониятини яратиши лозим.

11. Электрон ўқув адабиётлари билим олувчиларнинг тасаввурини кенгайтиришга, дастлабки билимларини ривожлантириш ва чуқурлаштиришга, кўшимча маълумотлар билан таъминлашга мўлжалланган бўлиб, кўпинча чуқурлаштириб ўқитиладиган фанлар бўйича яратилади. Узлуксиз таълим тизимида фан ва технологиялар ривожлангани сари мазмуни тез ўзгарувчан, чуқурлаштириб ўқитиладиган, касбий ва махсус фанлар бўйича электрон ўқув адабиётлари тайёрланади.

#### **4-боб. Ўқув адабиётларига қўйиладиган талаблар ва унинг функциялари**

12. Таълим турларининг хусусиятларидан ва нашр шаклидан қатъи назар, барча ўқув адабиётларига қўйиладиган асосий талаблар қуйидагилар:

муайян фаннинг моҳияти, мазмуни ва мавзуларини фан дастурида белгиланган ҳажмларда изчиллик билан ёритилиши, ўқув материалларининг мазкур фан орқали таълим олувчиларга берилиши зарур бўлган билим, малака ва кўникмаларни шакллантиришга қаратилган тартибда тизимли баён қилиниши;

юқори даражада умумлаштирилган ва замонавий билимларга асосланган маълумотлар (қонунлар, айниятлар, таснифлар ва ҳоказо)дан ташкил топиши, иллюстрацияларга бой, замонавий кўргазмали тасвир ва бадиий-услубий жиҳатдан амалий фаолиятга қаратилган бўлиши;

билимларнинг мутлақлиги ва нисбийлигини ёрқин ифодалаши;

назарий ва амалий маълумотлар мақбул, пухта, раво, ижодий ва қизиқтирувчан шаклда ифода қилиниши, зарур ҳолларда фанга оид кенг қамровли мисол ва масалалар, узоқ ва яқин ўтмишдаги бой интеллектуал меросимиз намуналари билан бойитилиши;

жаҳон илм-фани, техника ва технологияларнинг энг сўнгги ютуқларини инобатга олиши, унинг аҳамиятини ифодалаши, соҳа ва фанга оид миллий ва хорижий тажриба ва маълумотлар мантиқий бир тизимда баён этилиши;

асосий тушунча ва хулосаларнинг таърифлари ниҳоятда аниқ ва равшан ёзилиши, атамаларнинг умумийлигига эришилиши;

таълим-тарбия жараёнига ҳамкорлик педагогикаси ва ўқитишнинг интерфаол услубларини тадбиқ қилишга кўмак бериши;

билимларни онгли равишда ўзлаштириш, қизиқиш уйғотиш ва мустақил фикрлашга йўналтира оладиган хусусиятларга эга бўлиши;

билим олувчиларнинг ёши, психофизиологик хусусиятларини ҳисобга олиши, ижодий қобилиятларини ривожлантиришга қаратилиши, мустақил таълим олишга қизиқиш уйғотиши;

таълим олувчиларнинг билими, уқуви ва кўникмаларини назорат қилиш имкониятига эга бўлиши;

интеллектуал инсонпарварлик ғояларининг акс эттирилиши, инсоннинг табиат ва ижтимоий ҳаётда ўта масъулиятлилигини англантишга қаратилиши;

ватанпарварлик ҳисси, маънавий-ахлоқий сифатлар шакллантирилиши, таълим ва тарбия узвийлигини таъминлашга эътибор бериши.

13. Таълим турларининг хусусиятларидан ва нашр шаклидан қатъи назар, барча ўқув адабиётларига қўйиладиган умумий талаблар қуйидагилар:

ўқув адабиётларидаги мавзу, мазмун ва матнлар узлуксиз таълимнинг бошқа турлари ва босқичларидаги турдош фанларнинг мавзу, мазмун ва матнларини такрорламаслиги;

ўқув материалларининг мазмуни далиллардан намуналарга, намунадан фаразга, фараздан изланишга, изланишдан амалий қўллашга, абстракт илмий билимдан аниқ касбий билимга, билимдан амалий кўникмага ўтишга йўналтирилиши;

мавзуларда “оддийдан мураккабга”, “умумийдан хусусийга” каби тамойилларга риоя этилиши;

расмлар, графиклар, жадваллар, схема ва диаграммалар мантиқан мақбул даражада жойлаштирилиши, берилган маълумотлар ва тушунтиришлар билан узвий боғланган бўлиши;

матнлар дизайни мақбул ва мукамал бажарилиши, такрорланувчи тушунчалар, риоя қилиниши керак бўлган қоидалар, эътиборни жалб этиш учун зарур бўлган жумлалар, мисоллар ва хулосаларни ажратиш мақсадида махсус белгилардан ҳамда таъсирчан график воситалардан фойдаланиш;

касбий характерга эга бўлган ва билим олувчилар мустақил ишлаши учун мўлжалланган муаммоли саволлар, топшириқлар, машқлар, лойиҳалар билан таъминланиши;

топшириқлар ва вазифалар кенг кўламли билим олувчилар бажарадиган амалий ишларни жуфтликда ёки кичик гуруҳларда ташкил этиш имкониятини бериши;

ўқув материалларида талабаларни фаол бўлиш ва танқидий фикрлашга ундаш ва уларнинг фанга бўлган қизиқишларини кучайтирувчи жиҳатларнинг мавжуд бўлиши;

Ўзбекистоннинг турли ҳудудларидаги ўзига хос маданий хусусиятлар, табиий иқлим шароитлари ҳисобга олиниши.

14. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг ўқув адабиётларига қўйиладиган қўшимча талаблар қуйидагилар:

касбга қизиқишни кучайтириш, уни мустаҳкам эгаллашга ва замонавий билимлар асосида рақобатбардош мутахассислар тайёрланишига хизмат қилиши;

мустақил ва эркин фикр юритиш, масъулиятли қарорлар қабул қилишга қодир шахсларни тарбиялаши;

қайси фанга тегишлилигидан қатъи назар, назарий билимларнинг амалиёт билан кенг боғлиқлигини таъминлаши;

ўқувчида яхлитликни идрок қилиш ҳиссининг шаклланиши учун барча маълумотлар мантиқий бир тизимда берилиши;

муайян фан соҳасига хос хусусиятлардан келиб чиқиб, эстетик ва дизайн кўрсаткичларда илм-фан ютуқларини тасвирлайдиган кўрғазмали маълумотлар-қурилма, аппаратлар ёки уларнинг маълум қисмлари ва бошқалар турли рангда берилишига эътибор қаратилиши;

матнни тушунарли ва мантиқий усулда тузиш, ўрганиш жараёнини осонлаштириш учун расмлар, схемалар ва чизмаларни қўшиб жойлаштириш;

ўқув адабиётида ўрганиладиган мавзу ва машғулотлар гуруҳда ўқувчиларнинг турли қобилиятга эга эканлиги инобатга олинган ҳолда берилиши;

фанлараро ва фан ичида ўзаро боғлиқлик таъминланиши;

ўқувчиларнинг мустақил ишлаши учун амалий топшириқлар, машқлар, лойиҳалар билан таъминланиши;

матнда атроф-муҳит, унинг ифлосланиши ва жамият саломатлиги муаммолари ҳамда уларни ҳал қилиш йўллари акс эттирилиши.

15. Олий таълимнинг ўқув адабиётларига қўйиладиган қўшимча талаблар қуйидагилар:

ўқитиладиган фанлар ва уларга тегишли ўқув адабиётларининг мазмун-моҳияти ниҳоятда чуқур илмий-услубий, юқори сифат кўрсаткичларда бўлиши;

ўқув адабиётларидаги ҳар бир боб ёки мавзунинг мазмуни тушунарли, илмий ғоя ва тушунчаларнинг моҳияти аниқ ва равшан баён этилиши;

матнни хотирада сақлашни осонлаштириш, мавзулар ихчам чизмалар, турли тасвирий ифодалар, жадвал, инфографика ҳамда расмлар билан мувофик тарзда таъминланиши;

аниқ ва табиий фанлар бўйича илмий тушунча ва ғоялар, қонун ва қонуниятлар, тарихий ҳодиса ва ижтимоий жараёнларнинг ҳаётийлигига эътибор қаратилиши, таҳлилий муносабатнинг етарли даражада бўлиши;

муаллиф ва талаба ўртасида фикрларнинг мантиқий баёни жараёнида ўзаро боғлиқлик таъминланиши;

амалий ва тажриба машғулотларини бажариш ҳамда машқларни ечиш бўйича услубий кўрсатмалар берилиши, матн, иллюстрация ва графиклар ёрдамида билим олиш орқали кенгайтирилган амалий кўникмаларни шакллантириш имконияти бўлиши;

ўқув мақсадлари ва вазифаларининг аниқ белгиланиши, фанлараро ва фан ичида ўзаро боғлиқликни таъминланиши, назарий ва амалий мазмуннинг ўзаро мақбул ва боғлиқ ҳолда тақсимланиши;

мазмун ишончли ва салоҳият билан ёритилиши, унда муаллифларнинг фан, техника ва технологияларнинг сўнгги ютуқларидан фойдаланганлиги кўриниб туриши;

тасвирий материаллардан максимал фойдаланиш, динамик жараёнларни ўрганишни осонлаштириш мақсадида электрон таълим воситаларини (мультимедиа, анимация, виртуал стендлар ва х.к.) қўшимча материал сифатида ишлатиш имконини бериши;

ўқув материалларида талабаларни фаол бўлиш ва танқидий фикрлашга ундаш ва уларнинг фанга бўлган қизиқишларини кучайтирувчи жиҳатларининг мавжуд бўлиши;

замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш имкониятларининг яратилиши.

16. Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими учун яратиладиган ўқув адабиётларининг асосий функциялари қуйидагилар:

ахборот функцияси – таълим олувчи муайян фан бўйича эгаллаши зарур бўлган билим ва кўникмалар мазмунини қамраб олганлиги;

тизимловчи функцияси – ўқув фани мазмуни тизимланган шаклда қатъи кетма-кетликда ва изчилликда оддийдан мураккабга риоя қилинган ҳолда баён қилинишини таъминлаши;

мувофиқлаштирувчи функцияси – фан ўқув материални лойиҳалаш жараёнида бошқа ўқув манбаларида келтирилган материалларни ўрганиш, улар орасида узвийликни таъминлаш, ахборот оқимини тез ўзлаштириш, олган билимларни чуқурлаштириш ва амалий фаолият жараёнида қўллаш йўллари топишга хизмат қилиши;

мутахассисликка йўналтирилганлик функцияси – ўқув адабиётининг мазмуни ўқувчи-талабанинг мутахассислик бўйича ишлаб чиқариш жараёнлари, объектлари, техника ва технологиялар тўғрисидаги асосий фундаментал тушунча ва билимга эга бўлишини таъминлаши ҳамда келажакда уларга таяниб янги маълумотларни мустақил таҳлил қилиш ва ўзлаштириш кўникмаларини шакллантиришга қаратилиши;

дидактик функцияси – таълим олувчининг қобилияти ва эҳтиёжга мос равишда ўқув материални мустақил ўзлаштиришга ҳамда асосий мазмунни ажратиш, таҳлил қилиш, умумлаштириш ва хулосалаш кўникмаларини шакллантириш учун хизмат қилиши;

ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш ва ўзини ўзи назорат қилиш функцияси – таълим олувчининг ўқитувчи раҳбарлигида ёки мустақил тарзда дарсликдаги назорат саволлари, тест материалларидан фойдаланиб, ўзининг билимини текшириши ҳамда билимига таянган ҳолда амалий машғулотларни бажара олишига қаратилган фаолиятларга кўмаклашиши;

таълим олувчиларни мустақил таълим олишга қизиқтириш ва ижодкорликка ундовчи функцияси – таълим олувчиларда мустақил тарзда таълим олишга бўлган иштиёқ, эҳтиёж ва заруратни уйғотиши, етишмайдиган билимларни мустақил тарзда тўлдиришга ёрдам беришга йўналтирилганлиги. Таълим олувчиларга мустақил равишда бажариши лозим бўлган лойиҳалар, муаммоли саволлар ва топшириқлар берилиши орқали уларда изланувчанлик қобилиятларини ривожлантириши;

ривожлантирувчи-тарбияловчи функцияси – ўқув материаллари асосида шахснинг давлат ва халқига эътиқодни, маънавий-инсоний хислатларни,



ватанпарварликни, меҳнатсеварлик каби бошқа ижобий вазилатларнинг фаол шаклланишига кўмак бериши.

17. Ҳар бир билим ва таълим соҳалари хусусиятидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда таянч олий таълим муассасаларининг кенгаши қарори асосида ўқув адабиётларига қўшимча махсус талаблар белгиланиши мумкин.

#### **5-боб. Электрон ўқув адабиётларини яратиш тамойиллари ва уларга қўйиладиган талаблар**

18. Электрон ўқув адабиётларини (дарсликларни) яратиш тамойиллари:

модуллик тамойили – ўқув материални ҳажми бўйича кичик, аммо таркиби бўйича бир бутун бўлган модуллардан (бўлимлардан) иборат бўлган бўлақларга бўлиб чиқилганлиги;

тўлиқлик тамойили – ҳар бир яратилаётган бўлим (модуль) уни ташкил этувчи назарий ва амалий қисмлар, назарий билимларни текшириш бўйича тузилган назорат саволлари (тестлар), мустақил ечиш учун топшириқ ва амалий кўникмаларни ўрганишга йўналтирилган машқлар, тажрибалар ва тегишли шарҳлардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқлиги;

кўргазмалилик тамойили – ҳар бир бўлимда (модулда) янги тушунчалар, фикрлар ҳамда услубларни тушунарли ва эслаб қолишни енгиллаштирувчи матнлар ҳажми ўлчамлари кичик бўлган кадрларнинг кетма-кетлигидан иборат бўлиши;

тармоқланиш тамойили – ҳар бир бўлимлардан (модуллардан) гиперматнли ҳаволалар орқали бошқа бўлимлар билан боғланиш имкониятлари мавжудлиги, ўрганилаётган фан материаллари чекланмаган ҳолда босқичма-босқич ўзлаштириб бориш имкони бўлиши.

бошқарувчанлик тамойили – таълим оловчилар экранда тасвирланадиган кадрларнинг алмашувини ўзлари мустақил бошқара олишлари, исталган мавзу ёки маълумотларни, тушунчалар, фикрлар, иллюстрация материаллари ва мультимедияларни экранга чиқариш имконига эга бўлиши, ўқувчи ва таълим оловчиларга билим ва кўникмаларни назорат саволлари, тестлар ва амалий машғулотлар орқали текшириш имконияти мавжудлиги;

кўникувчанлик тамойили – электрон дарслик ўқув жараёнида аниқ фойдаланувчи эҳтиёжларига кўникиб боришини таъминлаши, ўрганилаётган материалнинг чуқурлиги ва мураккаблигини ҳамда таълим оловчининг келгуси таълим босқичига боғлиқ ҳолда амалий йўналтирилганлигини ўзгартириб боришга имконият яратиши, фойдаланувчилар ўз эҳтиёжларига кўра қўшимча иллюстрация материалларини юзага келтира олишлари, ўрганилаётган тушунчаларни чизма ва геометрик жиҳатдан талқин қила олишларига хизмат қилиши;

компьютерли қўллаб қувватлаш тамойили – таълим оловчилар ўрганиш жараёнининг исталган пайтида ўқув материалининг моҳиятига ўзига диққатни жалб этишга ундовчи топшириқ ва масалаларни қараб чиқиш ҳамда уларни бажаришда компьютердан фойдаланишлари учун шароит мавжудлиги. Электрон ўқув адабиётини компьютерда ўрганишда мураккаб алмаштириш амалларини,

турли хил ҳисоблашларни ва графикларни тузиб чиқиш, расм ва схемаларни чизиш, мураккаб даражадаги турли амалларни бажариш имкониятлари мавжудлиги;

йиғилувчанлик тамойили – электрон дарсликни янги бўлимлар ва мавзулар, фан ва техника янгиликлари билан кенгайтириб ва тўлдириб боришга имкон бериши ҳамда махсус ва алоҳида фанлар бўйича электрон кутубхоналарни ёки таълим олувчилар, (у ўқиётган мутахассислик ва курсга мос ҳолда) ўқитувчилар ёки тадқиқотчиларнинг хусусий электрон кутубхоналарини шакллантиришига имкон яратиши.

19. Электрон дарсликка қўйиладиган умумий талаблар қуйидагилар:

электрон дарсликнинг мазмуни ва таркиби таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларига мос келиши керак;

электрон дарсликнинг тузилмаси ва мазмуни ўқув материални чуқур ўрганишга мўлжаллаш билан бир вақтда ўрганилаётган фаннинг ўқув дастурига мос келиши керак;

ўқитишда илмийликни, фан, техника ва технологияларнинг сўнги ютуқларини ҳисобга олишда ўқув материал мазмунининг етарлича чуқурлигини, ишончлилигини таъминлаш, ўқув материални электрон дарслик ёрдамида ўзлаштириш жараёни ўқитишнинг замонавий усуллари билан мос равишда қурилиши зарур;

электрон дарслик таълим олувчиларнинг ёши ҳамда алоҳида хусусиятларига хос ўқув материални ўрганишнинг мураккаблик ва чуқурлик даражасини аниқлаши зарур, ўқув материални ҳаддан зиёд мураккаблаштириш ва ортиқча юклашга йўл қўймаслиги лозим;

таълим олувчига анъанавий ўқув адабиётларида имкони бўлмаган муаммоли топшириқлар, машқлар, амалий машғулотларни бажаришга имкон яратиши керак;

ўқитишнинг кўргазмалилигини таъминлаши, таълим олувчилар томонидан ўрганилаётган объектлар, уларнинг макетлари, уч ўлчамдаги моделларини сезгили қабул қилиш ва шахсан кузатиш имконини бериши лозим;

электрон дарсликдан фойдаланишда билимларни ўзлаштириш мустаҳкамлиги таълим олувчиларнинг ўқув материални мустаҳкам ўзлаштиришлари учун, уларни чуқур фикрлаш, хотирада сақлаш каби қобилиятларини ривожлантиришга хизмат қилиши керак;

электрон дарслик ўқув фаолиятининг излаш, йиғиш, сақлаш, таҳлил, ишлов бериш каби кўринишларини автоматлаштиришни, ҳисоблашларни, лойиҳалаш ва конструкциялашни, тажриба, экспериментнинг натижаларига ишлов беришни, назорат топшириқларни, ахборотли ишлов беришни автоматлаштиришни кўзда тутиши керак;

электрон дарслик мураккаб объектлар (машина, ускуна, аппарат, мослама ва ҳ.к.) ишининг имитациясини, турли жараёнларни реал, тезлаштирилган ёки секинлаштирилган вақт масштабида ўтиш воситаларини таркибида сақлаши керак.

20. Электрон дарсликка қўйиладиган ўзига хос дидактик талаблар қуйидагилар:

мослашувчанлик талаби – электрон дарслик таълим олувчининг хусусий имкониятларига, яъни ўқитиш жараёнида таълим олувчининг билими, кўникмалари ва психологик хусусиятларига мослаштирилган бўлиши;

ўқитишнинг интерфаоллик талаби – электрон дарслик ўқитиш жараёнида таълим олувчи билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаши, интерфаол мулоқот ва қайтарма алоқани таъминлаши;

визуаллаштириш талаби – электрон дарслик ўқув ахборотини тақдим қилишида компьютер визуаллаштириш имкониятларини жорий қилиш зарурлиги;

таълим олувчининг интеллектуал қобилиятини ривожлантириш талаби – фикрлаш, мураккаб вазиятларда мустақил қарорлар қабул қила олиш маҳорати, ахборотга ишлов бериш бўйича кўникмаларни шакллантиришга имкон бериши;

тизимлилик талаби – электрон дарслик ўқув материални намойиш қилишнинг тизимлилик ва функционал боғлиқлигини, тўлиқлиги ва узлуксизлигини таъминлаши.

Электрон дарслик ўзида муаммоли ва изланиш топшириқларининг интеллектуал ўргатувчи тизимига эга бўлиши, ўқув материални тақдим этишнинг тушунчали, образли ва ҳаракатли компонентларининг ўзаро боғлиқлигига таянган ҳолда қурилиши керак.

21. Электрон дарсликларга қўйиладиган умумий техник, технологик талаблар. Электрон дарслик:

локал ва бошқа ташқи ахборот ташувчиларда, тармоқли тартиботда ҳаракатланиши;

мультимедия ва телекоммуникация технологияларининг замонавий воситаларини максимал қўллаш имконини бериши;

ишлаш қобилияти пухта ва барқарор бўлиши;

турли электрон ташувчиларни қўллаш имкониятига эга бўлиши;

локал ва тармоқли тартибда ишлаш имконияти мавжуд бўлиши;

жамоавий ишлаш имконини (ўқитувчи таълим олувчилар билан интерактив ва қайтарма алоқада бўлиши) бериши керак.

22. Электрон дарсликларни яратишнинг ўқув-услубий, техник, технологик тартиби таянч олий таълим муассасалари томонидан ишлаб чиқилади.

#### 6-боб. Яқунловчи қоида

23. Ушбу Талабларнинг бажарилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

